

УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИДА ТАРҚАЛГАН “ОЛТИН ТОМИР”  
ЎСИМЛИГИФАРМАЦЕВТИКА СОХАСИ УЧУН “ОЛТИН ЕЧИМ”

*Абдуназарова Зулайхо Шарифқуловна  
Шахрисабз Педагогика Институти  
Катта ўқитувчиси  
Нуриддинова Нозима Нуридин қизи  
Шахрисабз Педагогика Институти  
Биология факультети 1 курс талабаси*

**Анотация:** Trials of planting 13 types of drought-resistant plants are being carried out in the dry part of the Aral Sea through an innovative approach to strengthening sandslides, reducing the release of toxic aerosol dust from the dry part of the island into the air, and growing seedlings of food plants resistant to desert conditions.

**Калит сўзлар:** Аэрозоль, инновация, тадқиқот, қандим, қорабулоқ, гидрогель, Орол, Глобал.

2018 йилнинг август ойида Президент Шавкат Мирзиёев Туркманистонни Туркманбоши шахрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси тасисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида Орол фожеаси оқибатлари бартараф этишда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро хамкорлиги бўйича бешта таклифни илгари суриб Орол бўйи худудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқиш хақида тўхталган эди. Мутахассисларнинг фикрича бу ташаббус экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвеститцияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвеститцияларни жалб қилиш учун шароит яратиш: “Яшил иқтисодиёт” экалогик тоза, эгергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларни комплекс тадбиқ этиш, чўлланиш ва экологик миграцияга бархам бериш: экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора тадбирларни амалга оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари Орол денгизининг Шимолий томонларида бошқа юртларда учрамайдиган 60 дан ортиқ турдаги ўсимликлар борлигини кўрсатди. Улардан Королков чирмовифи, Берк бойчечаги, турсимон бойчечак, Боршов пиёзи. Туркистон сарсабли Леманна ковраги, кўп пояси девясил ёввойи ўсимликлари шифобаҳш хусусиятга эга. Амударё дельтаси, Қизилқум ва Устюрт кенгликларида тарқалган ва “Чўл женшени” “Сақродаги хаёт илдизи”, “Олтин

томир”номлари билан аталувчи Систанхе ўсимлиги фармацевтика олимлари эътиборини торқмоқда.



2 минг йилдан буён Хитой тиббиётида фойдаланиб келаётган бу ўсимликкүп касалликларга даъво ва умрни узайтириш хусусиятига эга. Систанхе бўғинлардаги оғриқлар, буйрак касалликларини даволаш, шунингдек, хотира ва иммунитетни мустахкамлаш, асабни тинчлантиришда айниқса мия ўсимтасининг олдини олишда тенги йўқ дармон хисобланади. 2019 2020 йилларда Шимолий Корея ва Хитойдан келган дори тайёрловчилар ушбу ўсимликни ахолидан кўп миқдорда сотиб олиб юртларига олиб кетишиди, лабаратория тахлиллари юқори халқаро бозорда майдаланган систанхенинг бир килограми 200 500 долларга нархланди.



Синтенхе саксовул, қандим сингари ўсимликларнинг илдизида учрайди, Қорақалпоғистонда унинг 4 тури ўсади.

Синтанхе Шимолий Африка, Марказий Осиё ва Пирений ярим ороли чўлларида гина ўсади. Япония Хитой ва Қозоғистон фармацевтикаси билан косметологиясида кенг кўлланилади. Хозирги вактда Қозоғистон Марказий Осиёда Систенхени қайта ишлаб, экспорт қилаётган ягона давлат бўлиб унинг асосий харидорлари Япония, Хитой ва бошқа Шимолий Шарқий Осий давлатлардир. Қозоғистоннинг Жамбил вилоятидаги цехда йилига 100тоннадан ортиқ қуритилган систанхе етиштирилади. Қимматли хом ашё сифатида мазкур ўсимликка бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда.

Қорақалпоғистонда шифобахш хусусиятга эга, бебаҳо ўсимликлар жудакўп, хозир худудда ўсадиган 1110 турдаги ўсимликнинг 37 фоизи (410 дан зиёдтури) шифобахш хусусиятга эга.

Орол денгизининг қуриб қолган қирғоғида ўсадиган 73 турдаги ўсимликнинг 13 тури, Устюрта 85 ва сахроли худудларда 66 турдаги шифобахш ўсимликлар топилган.



Ўзбекистон фанлар акадмиясининг Ботаника боғида хозирги вактда календула, донник, топинамбур сингари 23 турдаги махаллий шифобахш ўсимликлар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Орол денгизининг Шимолий томонларида бошқа юртларда учрамайдиган ноёб турдаги доривор ўсимликларни қучайтириш бу орқали “Яшил макон” дастурива Оролни асрарда энг самарали лойихаларни жалб этиш устувор ишлардан биридир. Бу таклиф этаётган лойихалар Орол денгизининг қуриган қисмида ноёб шифобахш ўсимликларни етиштириш ва Ўзюекистонда фармацевтика соҳасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш асосий мақсаддир.

Саксовул, қандим сингари ўсимликлар илдизида учрайдиган систанхени тайёрлашни кўпайтириш учун маълум фармацевтик плантациялар ташкилэтиш лозим. Бунинг учун чет эл инвесторлари ўз қизиқишларини билдиришган.



Саксовул, Қандым уруғларини соғлом күчат холида олиш учун гидрогеллардан фойдаланишин тавсия этамиз. 5 грмм гидрогел 2 литр сув микдорига тенг намни ушлаб туради. Бу вақтда уруғларни униб чиқиш фоизи ортади. Гидрогел намлик хусусиятини 400 баробар кўп ушлаб туради. Бу лойиха мураккаб кўринсада самарадорлиги юқори бўлиб Гидрогел билан күчатни етишириб олиш дунё тажрибасида 25 йилдан бўён қўллаб келинади. Гидрогелни яна бир хусусияти у хеч қандай токсик хусусиятга эга эмас.

У 3 йилда тупроққа кесил гази шаклида сингиб кетади. Хозирги кунда ушбу иш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шермуҳаммад Юнусов “Ўрмон хўжалиги” журнали 2004 йил 4 сон
2. Орол муаммоси ечими Ш.Юсупов 2009 йил 17 июнь
3. Ziyo.uz